

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 3 декабрь, чоршанба • №97 (11.588) • Эркин нарҳда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
Қ А Р О Р И

Аҳолига шошилич тиббий ёрдам хизматини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури тўғрисида" 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сон Фармонида мувофиқ республикада замонавий, юқсак жаҳон талабларига жавоб берадиган ташхис қўйиш ва даволаш тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминланган шошилич тиббий ёрдамнинг яхлит тизими яратилган ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Аҳолига шошилич тиббий хизмат кўрсатишни ташқи элини янада такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш, шошилич тиббий ёрдам тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Аҳолига шошилич тиббий ёрдам хизматини, айниқса республика минтакаларида янада ривожлантириш, тизимда ишлаётган кадрларни рағбатлантиришнинг кучайтириш, замонавий, юқори технологияли ташхис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналарини малакали фойдаланиш ва уларга сервис хизмати кўрсатишни таъминлаш соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш ҳозирги босқичнинг устувор вазифаси ҳисоблансин.

2. Шошилич тиббий ёрдам хизматини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

3. Шошилич тиббий ёрдам хизматини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасининг ҳимойлик кенгаши тuzилсин. Ҳимойлик кенгашига қуйидаги вазифалар юклансин: шошилич тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий ташхис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш бўйича вазифаларни амалга оширишга бутун чоралар билан қўмаклашиш; шошилич тиббий ёрдам хизмати ходимларининг малакасини оширишга, хизматнинг тиббиёт муҳандис-техника ва ёрдамчи ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантиришнинг кучайтиришга қўмаклашиш;

4. Аҳолига шошилич тиббий ёрдам хизматини тизимини ривожлантиришнинг амалий кўллаб-қувватлаш учун Республика шошилич тиббий ёрдам маркази ҳузурида бюджетдан ташқари шошилич тиббий ёрдам хизматини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин. Қуйидагилар: давлат бюджетидан маблағларни, шу жумладан бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш хисобига тежалган маблағлар; юридик ва жисмоний шахсларнинг, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларнинг ҳимойлик маблағлари, халқаро ташкилотларнинг грантлари;

Президент асарлари билимдонлари

Юртбошимиз ўзининг барча асарларида биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад олий неъмат – мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустақамлашдан иборат эканлигини қайд этган. Шу боис давлатимиз раҳбарининг асарларини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш барча маънавий-маърифат масканлари муассасалари ходимларининг асосий бурчидир. Бу-

нинг учун, аввало, уларнинг ўзлари Юртбошимиз асарларини яхши билишлари лозим.

Мазкур кўрик-танловнинг кутубхоначилар ўртасида ўтказилганлигининг боиси ҳам шунда. Унда Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги "Оилавий мутлоғ" кутубхонаси мудири Дилфуза Норбобоева биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Ў.З.А.

шошилич тиббий ёрдамни ривожлантириш бўйича вазифаларни хал этиш учун манфаатдор давлат ва жамоат тузилмаларини, халқаро ташкилотларнинг, мамлакатимиздаги ва хорижий инвесторларнинг кенг жалб этилишини таъминлаш; шошилич тиббий ёрдам хизматини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш.

4. 2004 йил 1 январдан бошлаб шошилич ва тез тиббий ёрдам хизмати ходимларининг, шу жумладан муҳандис-техник ходимларининг лавозим маошлари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда:

юқори технологияли ташхис қўйиш ва тиббиёт асбоб-ускуналарига сервис хизмати кўрсатиш учун масъул бўлган муҳандис-техник ходимлар лавозимлари рўйхатини; шошилич тиббий ёрдам хизмати ходимлари учун улар ишининг теъорик ва тизимли характерини ҳисобга олувчи ишлаб чиқариш ва тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олий ва ўрта маъсул таълим вазирлиги билан биргаликда 2004-2005 ўқув йилидан бошлаб:

тиббиёт олий ўқув юрларининг даволаш факультетлари талабаларининг, тиббиёт коллежлари ва ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш бўйича ўқув юрлари ўқувчиларининг ўқув дастурига шошилич тиббий ёрдам масалаларини мажбурий равишда чуқур ўрганишни киритсин; "Шошилич тиббий ёрдам" ихтисоси бўйича магистратура очилиши назарда

бевосита тажриба орттириши бўйича тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин; шошилич тиббий ёрдам республика марказидаги, вилоятлар ва туманлар филиалларидаги ҳамда сервис хизмати кўрсатилиши ва таъмирланиши керак бўлган тиббий асбоб-ускуналар ва техникалар рўйхатини тасдиқлансин.

«ВАТАНПАРВАР» — ЖАСОРАТ МАКТАБИ

Республикамизда ўғил-қизларни ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамол қилиб тарбиялашда бугун Ўзбекистонда мудофаага қўмаклашувчи оммавий ташкилот — «Ватанпарвар»нинг ўрни ва фаолияти алоҳида муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлиmlарида ҳарбий хизматга чақирув ёшдаги йигитларни ҳарбий-техника касбларига ўқитиш, халқ хўжалиги учун малакали мутахассислар тайёрлаш, спортнинг амалий-техника турларини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар бунинг ёрқин далилидир.



Газетамизнинг 3-саҳифасида «Ватанпарвар» ташкилати вилоят бўлимида ёшлари Ватан олобдаси мўқаддас бурчини адо этишга тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2003 йил 2 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан, қарор қиламан:

1. Ўта оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинганлар жазодан озод қилинсин;
- а) биринчи марта содир этган жинояти учун жазо ўтаётган аёллар;
- б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
- в) мазкур Фармон кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар;
- г) мазкур Фармон кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар;
- д) мазкур Фармон кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган мuddат ичида жазони ижро этиш ёки яшаш жойидаги даволаш муассасаларининг тиббий комиссиялари қарорига асосан жазони ўташга тўққинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар;
- е) жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган чет эл фуқаролари;
2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар,

- шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий ҳаёфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.
3. Биринчи марта озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо мuddати икки йилдан кўп бўлмаган шахслар жазодан озод қилинсин.
4. Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибда Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ўн йилдан кўп бўлмаган мuddатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.
5. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий ҳаёфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда қўрилмаган ишлар тугатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 2003 йил 1 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАР — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақирғи тўққизинчи сессиясида Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг етти та асосий йўналишларини кўрсатиб берди. Унда «инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг оқиллигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қатъий қилиниши» жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги энг муҳим устувор

йўналиш сифатида алоҳида таъкидланди. Шунингдек таъкид қилинди, ҳар қандай фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиларидан бири — инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг сўзсиз эътирофи, демократик ҳуқуқий давлат қарерда бўлишининг, давлат суверенитетининг, қонуннинг устуворлиги, ҳокимиятларнинг бўлиниши, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг пойдоғлиги тамойиллари асосига қўрилади. Шу сабабдан юқоридаги тамойилларнинг ҳар бири Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни — Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

Вилоят ҳаёти

ЁШЛАР ОИТСга ҚАРШИ

Бўстонлик туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорлигида Газалкент шаҳридаги янги очилган академик лицейда «ОИТСга қарши кураш — долзарб вазифа» мавзусида сўхбат ўтказди. Юқори малакали мутахассислар лицей талабаларига бу иллатнинг инсоният ҳаётига қанчалик хавф солаётганини мисоллар асосида гапириб бердилар. Тадбир сўнггида ўқувчилар томонидан аср вабосига айланган касалликнинг оқибатлари тўғрисидаги саҳналаштирилган томошалар намойиш этилди.

Қамолдин АСКАРОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!
Обуна бўлдингизми?
Эслатиб ўтамыз: бизнинг индекс — 205.

Тахририятга хат ЯНА ОБУНА БЎЛДИК

Истиқлолнинг ўтган ўн икки йилида «Тошкент ҳақиқати» саҳифалари мустақиллик оидимларини ўзида акс эттирувчи кўзгуга айланди. Муштарийлар сони ортди. «Табиат ва инсон», «Келажак — ёшларники», фуқаро-

ларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайловлар, жаҳон янгиликлари каби мавзуда рўқнларда берилмаётган мақолалар ҳам аҳамият касб этаётди. Бу, албатта, нашр тахририят аъзоларининг меҳнати маҳсулидир. Мамлакатимизда оммавий нашрларга обуна мавсумида

Ангрен шаҳридаги Облик ишлогига истиқомат қилаётган кекса отахонлар — И. Эгамбердиев, З. Абдуманнов ва қамина, давр руҳи билан ҳамнафас яшаш мақсадида, кадрдон газета — «Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлдик.
Теша ШЕРАЛИЕВ.

ВАЗИРЛИКЛАР ҲАМКОРЛИГИДА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Факултетада вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда Янгийул шаҳридаги 17-мактабда «Ҳаёт ҳавфсизлиги асослари» курсини умумий ўрта таълим мактабларида ўқитишни такомиллаштириш» мавзусида республика семинар-кенгашини ўтказди. Унда Қоракөлпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармаларидан вакиллар иштирок этди. Семинар давомида мактаб ўқувчилари томонидан факултетада вазиятлар, яъни элзилла, ёнғин ва сув тошқини юз берганида қандай ҳаракатлар қилиши саҳна кўри-нишларида намойиш этилди.
Азамат СУЮНОВ.

«ВАТАНПАРВАР» – ЖАСОРАТ МАКТАБИ

ФАХР ТҮЙҒУСИ

«Ватанпарвар» ташкилотининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлигини, унинг Куролли Кучлари мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қўмаклашиш, кенг халқ оммаси, хусусан, ёшларни меҳнатга ва Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлашдир.

Ташкилот Низомидан.

ЁШЛАР ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Меҳр-мурувват, хайр-саховат қадимдан ота-боболаримиз улуг'лаб, амал қилиб келган инсоний фазилатлар сирасига кирди.

Йил бошида ташкилот 2 нафар болани ҳимойликка олиб, улар спортнинг ўқ отиш турига жалб қилинди. Бирининг тарбияси оғир, иккинчиси кам таъминланган оиланинг фарзанди бўлганлиги учун йил мобайнида уларга моддий ёрдам кўрсатилиб, ҳар бирига спорт кийимлари жамланмаси берилди.

Туманимизда ўқ отиш, ёзги биатлон, дуатлон, картинг, автомобилни шакли бошқариш тўғрисида фаолият кўрсатиб келмоқда. Айни пайтда тўғрақларда ўқ отиш бўйича 20 нафар, ёзги биатлон бўйича 25 нафар, картинг бўйича 15 нафар, автомобилни шакли бошқариш бўйича 30 нафар иштирокчи қатнашиб келмоқда.

Неъматилла МУСТАҒОҚУЛОВ,
«Ватанпарвар» ташкилоти Қўйчиқчиқ туман кенгашининг раиси.

ДОИМО ХИЗМАТДА

Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Чирчиқ шаҳар кенгашининг спорт-техника клуби мутахассислар тайёрлашда талайгина ишларни амалга оширмоқда.

Бу борада, албатта, мураббийларимизнинг хизматлари катта бўлаяпти. Шундай ўқитувчилардан Асхар Сидиқбоевни жамоамизда барча ҳурмат билан тилга олади.

У киши қарийб 24 йилдан буён шу ташкилотда меҳнат қилиб келмоқда. Бу давр ичида юзлаб ёшларга хайдовчилик касбини ўргатиб, Куролли Кучлар учун мутахассислар тайёрлаб беришга ўз ҳиссасини қўшиб келаётди.

Асхар ака ўз дарслари жараёнида замонавий услублардан фойдаланади. У тайёрлаган хайдовчиларнинг деярли барчаси ҳозир турли соҳаларда муваффақиятли хизмат қилишмоқда.

Шунингдек, Асхар ака кўп йиллик меҳнати учун бир неча бор фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Ҳайдарқул МИРЗАЕВ,
«Ватанпарвар» ташкилоти Чирчиқ шаҳар кенгашининг раиси.

Ҳозирги пайтда шаҳар ва туманларда «Ватанпарвар»нинг 1173 бошланғич ташкилоти иш олиб бормоқда. Улардаги аъзолар сон 55 минг 535 кишини ташкил этади.

Халқ ҳўжалиги учун оммавий касблардаги 5 минг 692 нафар мутахассис тайёрлашга

Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг фаолият йўналиши ғоят кенг ва кўпқиррали. Ташкилотимизнинг бош мақсади мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қўмаклашиш, аҳоли, хусусан, ёшларни меҳнатга ва ўз она-юртини ҳимоя қилишга тайёрлашдан иборат.

Оммавий мудофаа ташкилотининг вилояти кенгаши ва унинг шаҳар ва туман бўлимлари ана шу эзгу мақсад йўлида тинмай меҳнат қилмоқда. Бугунги кунда вилоятимизда оммавий касблардаги мутахассислар тайёрловчи 1 та техника, 4 та автомобил мактаблари фаолият кўрсатапти.

Миллатимизнинг фахри ва ифтихори бўлган буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур ўз даврида «Фарзандлар соғлом юрт қудратли бўлур», дея хитоб қилган. Бу ҳикматнинг маъноси кенг. Шу маънода «Ватанпарвар» ташкилотининг асосий вазифаларидан бири — мамлакат Куролли Кучларига ҳар томонлама етух ва соғлом ҳарбий-техника мутахассислари тайёрлаб беришдан иборат.

Президентимизнинг бевоСИТА ташаббуси ва ғамхўрлиги билан юртимизда кенг микёсли ҳарбий исплохотлар амалга оширилаяпти, профессионал армияни шакллантириш йўлида муҳим қадамлар қўйилмоқда. Бу ўз навбатида мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти зиммасига масъулиятли вазифалар юкляди.

Ўқув юртимизда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари учун етух мутахассислар тайёрлаш режалари ортиги билан адо этилмоқда. Энг муҳими, уларнинг сифатида алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Ўқув муассасаларининг моддий-ўқув заминини мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, Қўйчиқ техника, Ангрэн, Келес, Чирчиқ ва Янгийўл автомобиль мактаблари замонавий ўқув куроллари, таълим-машқ машғулотларининг техника воситалари билан таъминланди. Таълим-тарбия олувчиларнинг етух мутахассислар бўлиб етиштирилиши учун шарт-шароитлар яратилди. Педагог ва ўқитувчиларнинг илмий ва амалий-педагогик салоҳиятларини янада мустаҳкамлаш борасида зарур ишлар қилинаяпти.

«Ватанпарвар» ташкилотининг асосий фаолиятларидан яна бири мамлакат халқ ҳўжалиги учун оммавий касбдаги мутахассислар тайёрлашга қаратилган.

Утган ўқув йили мобайнида вилоят бўйича халқ ҳўжалиги 5 минг 692 нафар мутахассис тайёрланди. Шу жумладан, 2 минг 274 нафар «ВС» тоифали, 2 минг 880 нафар «В» тоифали хайдовчилар мактабларимизни муваффақиятли битириб чиқ-

аришилди. Уларнинг 2 минг 274 нафари «ВС» тоифадаги, 2 минг 880 нафари «В» тоифадаги хайдовчи-мутахассислардир.

Вилоят «Ватанпарвар» ташкилотлари тизимида ёзги биатлон, триатлон, дуатлон, мерганлик, картинг, авиамодел, ракетомодел, кўпқураш, авторалли, мотокросс каби 20 хилдаги спортнинг техник ва амалий турлари бўйича 68 та секция фаолият кўрсатмоқда. Уларда 4200 нафар ёш мунтазам шугулланмоқда.

«Ватанпарвар» ташкилотлари томонидан 135 нафар вояга етмаганлар оталиққа олинган. Уларнинг 113 нафари ички ишлар идоралари

даги хусусий муассасалар ҳам тобора кўпаймоқда. Бу биздан тинмай изланишни, таълим-тарбия даражасини тобора юқори кўтаришни талаб қилади.

Мутахассисга хайдовчилик сирларини ўргатиш, таълим

рўйхатида турганлардир. Вояга етмаганларнинг ҳаётдан муносиб ўрин эгаллашларини таъминлаш мақсадида уларга моддий ёрдам кўрсатишда ва спорт секцияларига жалб этилаяпти.

«Ватанпарвар»нинг шаҳар ва туман ташкилотлари аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, хусусан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бугунги кунда 15 та ташкилотда хўжалик ҳисобидаги корхона ва шўхобчалар фаолият кўрсатмоқда. Бу янги иш жойлари ташкил этиш билан бирга аҳолига сервис хизмати кўрсатишда қўлайликлар ҳам яратаяпти.

рар эканмиз, асосий эътиборни вояга етмаган болаларнинг ҳаётдан муносиб ўрин эгаллашлари масаласига ҳам қаратмоқдамиз. Ташкилотларимиз ҳуқуқбузарлик содир этиб, ички ишлар идоралари

ча 68 та секция ишлаб турибди. Уларда 4200 нафар ёшлар мунтазам шугулланмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга катта аҳамият берилаяпти ҳам бу борадаги ишларимизни янада тақомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу боис биз болаларни спорт мусобақаларига иложи борича кўпроқ жалб этиш, беллашувлар савиясини оширишга жиддий эътибор қаратмоқдамиз.

Утган даврда юздан ортик клубларро, 90 марта шаҳар, туман ва ўнлаб вилоят биринчилигини ҳамда чемпионатлари ўтказилди. Республика бўйича турли беллашувларда вилоят терма жамоаси 5 марта биринчи, 2 мартадан иккинчи ва учинчи ўринларни кўлга киритди.

Спортнинг бу турларини ривожлантиришда вилоятимизнинг имкониятлари чексиз, албатта. Фарзандларимизнинг жисмонан бақувват, мерган, жасур ва иродали бўлишларини хоҳласак, «Ватанпарвар» ташкилотларидаги секциялар машғулотларига зулуксиз қатнашишлари учун имкон яратаялик.

Ҳозирги пайтда шаҳар, туман кенгашлари қошида 1173 та бошланғич ташкилотларимиз бор. Уларнинг кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Бозор муносабатлари шароитида омилкор бўлмасанг, ташаббус кўрсатмасанг, доғда қолиш ҳеч гап эмас. Лекин халқимиз айтганидек, «Излаган имкон топади». Шунинг учун аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, хусусан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида ҳам қатъий иш олиб бориаямик.

Чирчиқ автомобиль мактаби, Бекобод шаҳри, Охангарон, Бука, Бекобод туманлари кенгашлари техник сервис хизматлари, автодўкон, тегирмон ва ҳўнармандчилик тармоқларини ташкил этишиб, фақат фойда кўрмоқда. Бу уч томонлама манфаат келтирмоқда. Бир томондан, аҳолига қўлайлик яратилса, иккинчидан, янги иш жойлари барпо этилаяпти, қолаверса, ташкилотда иктисодий фойда тушаяпти, фаолиятимизнинг моддий-моявий асослари мустаҳкамланаяпти.

Хуллас, мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилоят кенгаши ўз олдида қўйилган мақсад ва вазифаларни оғшмай бажариш йўлида фаол изланмоқда. Бунинг учун куч, имкониятимиз ҳам, гайрат-ташаббусимиз ҳам етарли.

Каримжон ВАҲОБОВ,
«Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилояти кенгашининг раиси.

ЎҚУВ ВА МАШҚ – ЭГИЗАК



ди. Бу борадаги йиллик режамиз ортиги билан — 105 фоизга уудаланди.

Албатта, халқ ҳўжалиги учун мутахассислар тайёрлашда мавжуд техника ва автотранспорт воситаларининг ҳолати, таълимнинг техника даражаси алоҳида аҳамият касб этади.

Шу боис барча ўқув муассасаларида касбий йўналишлар бўйича ихтисослашган таълим ва техник воситаларни янгилаш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга жиддий эътибор қаратилаяпти. Биргина мисол — сўнги пайтда ташкилотларимизда 31 та ўқув автотранспорти газ ёқилгисига мослаштирилган бўлса, ўқув-машқ мақсадлари учун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган «Тик», «Дамас», «Матиз» ва «Нексия» русумли 53 та автомашина сотиб олинди. Бу, шўбхисиз, малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига ижобий таъсир кўрсади.

Мавриди келганда, яна бир масалани ҳам таъкидлаб ўтиш ўринли. Гап шундаки, ҳозир хайдовчи-матахассислар тайёрлаш жараёнида рақобат тобора кучайиб бораёпти. Бу борада фаолият кўрсатаётган ҳуқуқий мақом-

бериш билан бирга тарбия бериш ҳам устувор вазифа бўлмоғи даркор.

Шу нуқтаи назардан «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — теран миллий-маънавий ҳамда умуминсоний кадриятлар воситасида ёшлар онгда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни ҳар томонлама баркамол ва ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялашдир.

Лўнда қилиб айтганда, биз Куролли Кучлар ва халқ ҳўжалиги мутахассислар тайёрлаш баробарида уларни Ватанга садоқат ва меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш вазифасини ҳам амалга ошираётимиз.

Шуни айтиш қифояки, йил бошидан буён ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тарбиявий аҳамиятга молик 700 га яқин маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Уларда ёшларнинг ҳаётда тутган ўрни, профессионал армияга ўтиш, диний ақида-парастикка ва терроризмга қарши кураш, истиклолимиз имкониятлари билан боғлиқ масалалар бош мавзу бўлди.

Ёшлар тарбияси билан боғлиқ ишларни амалга оши-

руйхатида тушиб қолган вояга етмаган болаларни оталиққа олиш ташаббуси билан чиқмоқда. Дастлаб 30 нафар ана шундай бола оталиққа олинди ва бу борадаги ҳаракат тобора фаоллашиб бормоқда.

Айни пайтда вилоят бўйича 135 нафар бола бевоСИТА ташкилотлар томонидан оталиққа олинди. Уларнинг 113 нафари ички ишлар идоралари рўйхатида турганлардир. Уларга ҳаётда тўғри йўл кўрсатиш мақсадида спорт секцияларига жалб этилмоқда ҳамда моддий ёрдам кўрсатилаяпти.

Дарвоқе, «Ватанпарвар» ташкилотининг яна бир устувор вазифаларидан бири спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришдан иборатдир.

Таъкидлаш лозимки, спортнинг оммавий турларидан фарқли ўлароқ, техник ва амалий турлари ўзига хос хусусиятга эга. Шунинг учун, бу спорт турларини ривожлантириш, унинг оммавийлигини ошириш, машғулотларга маҳаллий ёшларни жалб этиш муҳим масала. Бугунги кунда ташкилотларимизда спортнинг 20 хилдаги техник ва амалий турлари бўйи-

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Ривоят қилишларича, утган замонда овоз-я оғод бир юрт бўлган экан. Бу юртининг одамлари бой-бадавлат, тўқ ва фаровон яшаркан. Ана шу юртининг чекка бир қишлоғида тирикчиликни қанда қилмайдиган, уятни ўлим қаторида биладиган бир кекса деҳқон яшар, унинг бир-биридан барно уч нафар ўғли бор экан.

Деҳқон фарзандларига шундай тарбия берибдики, улар ақл-идрокли, кучли, жасур ва иродали, ногўл йигитлар бўлиб ўсишибди. Тақдир тақозоси

билан бу юртга ганимлар кўз олайтириб, бостириб қирибди. Узини эр билган кишилар қўлига курол олиб,



курашга юборибди. Афсуски, улар жанг майдонида мардларча ҳалок бўлиб, урушдан қайтишмабди.

Деҳқон кенжтой ўғлини ҳам кураш майдонида қорлабди.

Кўни-қўшилар: — Ахир, икки нафар фарзандингиз урушдан қайтмади, энди бу ўғлингиздан ҳам ажралмоқчимисиз? — деб сўрашибди.

Кекса деҳқон: — Она юрт, она заминдан муқаддасроқ нарсанинг ўзи йўқ. Мен фарзандларим билан фахрланаман, улар Ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлдилар, — деб жавоб берибди.

Шуни айтадиларда: «Мардлар қўриқлайди Ватанни», — деб!..

Шўҳратбек,
9-синф ўқувчиси.

Бошланғич ташкилотларда

САФ ЎСМОҚДА

Маҳалла — жамият таянчидир. Ёш авлодни етух, баркамол, асл ватанпарварлар қилиб тарбиялаш ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш ишлари маҳаллаларда кенг йўлга қўйилмоқда.

Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда тузган режа асосида иш олиб бормоқда. Уни амалга оширишда «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Райхон Тўрақуловнинг ташаббускорлиги, жонқуяригини алоҳида таъкидлашни истардим. Мудофаага қўмаклашувчи бошланғич ташкилотларнинг сафига шу серғайрат, жонқуяр инсоннинг



...Сентябрь ойининг иссиқ кунларидан бири эди. Кўёшнинг тафти иссиқ, доҳасликдан соя-салқин жой қидириб, оғиз хўллашга таппинасан, киши. Шу дамда Чирчиқдаги Жалолиддин Манғуберди номидаги спорт мажмуида ёзги биатлон бўйича республика биринчилиги мусобақалари авжига чиққан. Ана шундай пайтда спортчиларнинг иродасию маҳорати таъ бермай иложинг йўқ.

Беллашувларни кузатар эканман, стартга тақлиф қилинган қорчадан келган, кичик жуссали, чаййиргина бир қиз эътиборимни тортиди.

Дарвоқе, у Тошкент вилояти вакиласи, Чирчиқ шаҳридаги автомобиль мактаби спорт клуби тарбияланувчиси Дилафрўз Имомхусанова эди.

— У мусобақалар финалигача дош бера олармикан? — дедим хавотирда ёнимда турган мусобақани ташкил этиш бўйича масъул Борис Лишикка. — Қаранг, рақиблари ундан икки хисса келбатлироқ ва бақувватроқ кўринаяпти.

— Э, уни яхши билмайсиз-да, ишонган тоғимизку, — деди Борис Васильевич мағрурланиб. — Ҳозир ўзингиз кўрасиз, Дилафрўз ҳаммадан зўр чиқади.

Мусобақаларнинг боришини кузатаман. Спортчилар навбатма-навбат югурар, маълум бир масофадан сўнг мерганликларини намойиш қилишарди.

Ана, бир спортчи қиз ҳаво милтигидан нишонни тўғри олди шекилли, ўзича хурсанд ҳолда, алланималарни пичирлади-да, навбатдаги босқични ўташга шўшилди. Кейин иккинчиси, учинчиси...

Дилафрўзнинг ҳаракатларини кузатаман. Борис Васильевич гурурланганича бор экан. Барибир мутахассис-да, билади спортчиларнинг имконият-

ларини. Дарҳақиқат, Дилафрўз югуриш масофасини рақибларига нисбатан тезроқ босиб ўтди, мерганлик бобидаги кўрсаткичлари ҳам чакки эмасди.

...Иссиқ тафти ҳам қайтди. Саховатли кўёш виқорли тоғ қўйнига шўшилмоқда. Ниҳоят, ҳакамлар беллашув натижаларини эълон қилишди. Дилафрўз икки босқич бўйича мусобақаларда голиб чиқиб, 2 та олтин медалга сазовор бўлди.

— Биз Дилафрўзга ўхшаган спортчилар билан ҳақли равишда фахрланамиз, — деди ушбу мусобақанинг ёпилиш маросимида «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Абдулазиз Абдуқаҳҳоров. — Мамлакатимиз байрогини жаҳон айвонида кўз-кўз қилиб, баланд кўтарди-ганлар ҳам аслида шулар...

Дилафрўзнинг таржимаи ҳолига разм соламан. Эндигина 18 ёшни қаршилаган. Техник ва амалий спорт турларининг олимпиячиларни туркумига киритилган биатлон тури бўйича бир неча республика мусобақалари совриндори ва Чирчиқдаги коллежлардан бирининг аълочи талабаси...

Балли, Дилафрўз!
Ҳолмўра ШАҒОАТОВ.

Бундан мақсад яшаш жойларида ҳам ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни турли диний ақидапарастлик оқимларига кириб қолишдан асраш, ёшлар ўртасида спортни оммавийлаштиришдан иборат. Опанинг ташаббуси билан маҳаллалар орасида 11-12 ёшдаги болалар иштирокида спортнинг автомобил тури бўйича мусобақалар ўтказилди. Бунда Чумқужар, Наврўз, Дўстлик маҳаллаларининг болалари қатнашди.

Муҳаррам НАЗИРОВА,
«Ватанпарвар» ташкилоти Юқоричирчиқ туман кенгаши раисининг ўринбосари.

СПОРТ

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай, Араб Шаржа шаҳарлари майдонларида давом этаётган ёшлар ўртасидаги футбол бўйича жаҳон чемпионати кизгин паллага кирмоқда. Маълумки, жаҳоннинг энг кучли 24 та терма жамоаси билан тенга-тенга баҳс олиб бориш шарафига муюссар бўлган ўзбекистонлик футболчилар Аргентина (2001 йилдаги жаҳон чемпиони), Испания (2002 йилдаги Европа чемпионати ғолиби) ва Мали (Африка қитъаси вакили) ёшлар терма жамоалари билан «В» гуруҳида тўп сурмоқда.

ҲАЛИ ҲАМ ИМКОНИАТ БОР

28 ноябрь куни спортчиларимиз футбол бўйича жаҳон чемпионатидаги биринчи учрашувни Мали терма жамоаси ёшларига қарши ўтказишди. Тан олиш жоиз, Виктор Борисов раҳбарлигидаги йигитларимиз рақиб имкониятларини етарли баҳолай олмаганлиги аниқ. Шунга қарамай, ўзбекистонликлар майдоннинг ҳар қаричида ва учрашувнинг ҳар дақиқасида рақибга муносиб қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилишди. Дастлабки тўпни Африка қитъаси вакиллари киритган бўлса, ҳамюртларимиздан биринчи жавоб тўпини «Бухоро» жамоаси вакили Исомов киритди. Иккинчи жавоб тўпини эса, легионеримиз Александр Гейрнхс малиликлар дарвозасига йўллади. Ҳакам томонидан қўшиб берилган вақтда эса (учрашувнинг 93-дақиқасида) омад Мали терма жамоаси футболчиларига қўлиб берди. Шундай қилиб, футболчиларимиз илк учрашувда 3:2 ҳисобда имкониятни бой берди.



Ҳаками яна 4 дақиқа қўшиб берилганлигини маълум қилди. Ана шу паллада ўзбекистонликлар дарвозасига 11 метрлик жарима тўпи белгиланди. Уни аниқ ижро этган 2001 йилги жаҳон чемпионлари галабига эришдилар. Спортда ҳақамни муҳокама қилмайдилар. Лекин, ўйиннинг иккинчи бўлимида сенегаллик ҳакам томонидан ўзбекистон терма жамоаси аъзосининг ўйиндан четлатилиши, қўшимча вақтнинг бунчалик кўп белгиляниши, 11 метрлик жарима тўпи кишини ўйлатиб қўяди. Майли, нима бўлганда ҳам, ёшларимиз жаҳон чемпионлигига муносиб қаршилик кўрсата олдидлар. Қолган гаплар кейин айтадилар.

Ўзбекистонлик футболчилар 4 декабрда бўладиган гуруҳдаги охириги учрашувни Испания терма жамоаси ёш футболчиларига қарши ўтказишди. Барча футбол муҳлисларининг ҳозирча истаги битта: қанйиди, 19 декабрь куни Дубайда бўлиб ўтадиган финал учрашувда қатнашадиган икки жамоанинг бири бизники бўлса...

Воҳид БОЙМУРОДОВ.

«ДЕВ БИЛАН ПАКАНА»

Алишер Навоий номидаги Санъат саройи ва республика Киночилар уюда «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Дев билан пакана» бадиий фильмининг тақдими бўлиб ўтди.

Фильм муаллифлари одамлар ўртасидаги муносабатларга, мавжуд муаммоларга ўзига хос тарзда, янгича нигоҳ билан ёндашган. Турмушда учраб турадиган муаммолар қизиқарли воқеалар орқали очиб берилган. Томошабин орият, мардлик, софдиллик, ҳалоллик каби санъатлар ҳаммиса чин инсонийлик мезони бўлиб қолавериб...

шига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Фильмни И.Файзибергенов ва Н.Хўжаев сценарийи асосида режиссёр Ж.Қосимов суратга олган. Ундаги ролларни Н.Сайидалиев, О.Асомов, Б.Йўлдошев, Ф.Жалолов, М.Ражабов, М.Ихтиёрова каби санъаткорлар ижро этган.

У.А.

Янги маркалар

АЛЛОМА ХОТИРАСИГА

«O'ZBEKISTON MARKASI» акциядорлик жамияти томонидан «Абдуҳалиқ Гиждувонийнинг 900 йиллиги» мавзусида тайёрланган почта маркаси Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан муомалага чиқарилди.

Абдуҳалиқ Гиждувоний Хожа Юсуф Хамадонийнинг (ваф. 1142 й) халифаларидан тўртинчиси бўлиб, ҳожалар тарикатининг асосчиси эди. Гиждувоний асос солган бу мактаб Марказий Осиёдаги тасаввуфнинг мустақил йўналиши бўлиб, кейинчалик нақшбандия тарикатининг асосчиси Баҳовуддин Нақшбанд томонидан тўлалигича қабул қилинган. Абдуҳалиқ Гиждувоний ўз таълимотининг сақиз асосий қоидаларини ишлаб чиқди. Кейинчалик Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1389) бу қоидаларнинг барчасини қабул қилиб, ўзи қоидаларни қўшиб янги сўфийлик тарикати бўлган — нақшбандия ёки Нақшбандия-хожагонга асос солган. Маркада Абдуҳалиқ Гиждувонийнинг Бухорода жойлашган хонақохи тасвирланган бўлиб, буюк аллома таваллудининг 900 йиллигига бағишланган ёзув берилган.



ҲАМКОРЛИК МАҲСУЛИ

«O'ZBEKISTON MARKASI» акциядорлик жамияти томонидан «Рангтасвир» мавзусида тайёрланган почта маркалари Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан муомалага чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси почта маркаларининг биргаликда чоп этилиши учун замонавий «Рангтасвир» мавзу бўлиб хизмат қилди.

Қозоғистон Республикасининг почта маркасида С. Айтибоевнинг «Бахт» (1996) номи асари тасвирланган.

Ўзбекистон Республикасининг почта маркасида Абдукарим халқ россоми, Ўзбекистон Республикаси Бадиий Академияси академиги Раҳим Аҳмедов томонидан 1962 йилда яратилган «Тонг. Оналик» асари тасвирланган.

Ушбу почта маркасига бағишлаб «O'zbekiston markasi» Акциядорлик жамияти томонидан махсус конверт ва биринчи кун сўндириш тамгаси чиқарилди.



ТАҲРИРИЯТИМИЗ ФАҲРИЙСИ ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Тошкент Фото уюда «Ўзбекистонга муҳаббат билан» кўрик танловининг ғолиблари эълон қилинди.

Пойтахт ҳокимлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Халқаро бизнес маркази, «Hewlett-Packard» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу танловда юртимизнинг кўплаб малакали ва ҳаваскор фотограф усталари ўзларининг 500 дан зиёд ижодий ишлари билан қатнашдилар. Қувонарли томони шундаки, кўриқнинг бош мукофоти - Гран-при (биллур лаган, замонавий принтер ва энг яхши асар учун диплом) таҳририятимиз фахрийси Александр Абаланга — «Баҳор» фотосурати учун берилди. Ҳаваскор ижодкорлар учун ажратилган мукофотга «Кузги хаёл» композицияси муаллифи Дамир Хайдаров сазовор бўлди.

«Томошабин олқишига сазовор бўлган фотосурат» сифатида Рустам Назарматовнинг туркум суратлари ҳам алоҳида мукофот билан тақдирланди.

Ҳунармандлик санъати намойиши

«Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Ўзбек маданияти» мавзусида олинган навои ва халқ асарлари фестивали якунланди.

«Ҳунарманд» уюшмаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда моҳир усталар ясаган ёғоч ўймакорлиги, қўлчилик, гиламдўзлик, миллий каштачилик, наққошлик, миниатюра, заргарлик сингари халқ амали санъатининг юксак намуналари намойиш этилди.

Фестивалда қўл Алишер Назиров, каштадўз Зуҳра Облобердиева, ёғоч ўймаkori Баҳромбай Аъзамов каби усталарнинг ишлари, айниқса, йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

У.А.

СУРАТЛАРДА: фестивалдан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН олган суратлар.



Шундан кейин...

40 МИЛЛИОНДАН ОШДИ

Хабарларга кўра, ҳозир Марказий Америка давлатларида ҳар куни етмиш миңдан ортиқ бола етим қолмоқда. Сабаби айрим ота-оналар ОИТС тудифли вафот этиши кўпаяётганидир. Мутахассисларнинг фикрича, кенг тарқалган ушбу касаллиқнинг олди олиниб, зарур чора-тадбирлар қўрилмаса, китъада 2005 йилгача етим болалар сони икки баробар ошиши мумкин.

Хисоб-китобларга кўра, жаҳонда ОИТСга дучор бўлиб, рўйхатга олинганлар сони қирқ миллиондан ошган. Уларнинг қарийб икки миллионини Латин Америкаси ва Қариб денгизи ҳавзасида яшовчилар ташкил этади.

СУНЬИЙ ВУЖУД ИМКОНИАТЛАРИ



АҚШ биолог олимлари сунъий равишда биологик ҳаётни синтезлаш технологиясини яратишга муваффақ бўлди.

Олимлар томонидан ўтказилган таҷрибалар натижасида ДНК парчаларидан худди шундай бус-бутун ва соғлом янги ДНК ишлаб чиқилди. Уларнинг фикрича, мазкур технология ерданда ҳар қандай тирик вужуднинг ДНКсини яратиш мумкин.

Янги усул ёрдамида мутахассислар табиатда мавжуд бўлмаган сунъий вужудларни яратиши мумкин бўлади. Демак, яқин кунларда инсонлар учун ҳам «эҳтиёт қисмлар» ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлса, ажаб эмас.

БИНОЛАР БЎЙИ ЎСМОҚДА

Яқинда Тайванда дунёдаги энг баланд бино қуриб битказилди. «Тайпеи 101» деб номланган мазкур осмонлар бинонинг баландлиги 508 метр бўлиб, у 101 қаватдан иборатдир.

Шу вақтга қадар Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда қад ростлаб турган «Petronas towers» қўш биноси дунёда энг баланд ҳисобланар ва Гинеснинг рекордлар китобидан жой олиб келаётган эди. Энди у ўз ўрнини «Тайпеи 101» га бўшатиб беришга мажбур. Сабаби, «Тайпеи 101» нинг 2004 йили тўла фойдаланишга топширилши кутилмоқда. Унда савдо маркази, қатор фирма ва компанияларнинг офислари, обсерватория ҳамда кўнгилочар масканлар жойлаштирилди.

ҚУЛАЙ, АММО, ҚИММАТ



2003 йилнинг 1 декабри Япония оммавий ахборот воситалари тарихида янги босқични бошлаб берди. Айни кундан бошлаб Кунчикар мамлакат телевидениеси тасвири рақамли эфирга узатишни йўлга қўйди.

Ҳозирча фақат Токио, Нагоя ва Осакада телекўрсатувлар ушбу тизимга ўтмоқда.

Япония ҳукумати ва ишбилармон донорлар рақамли телевидениенинг бой имкониятларига катта ўйид боғламоқда. У миллий иқтисодиётни мустақамловчи оммилардан бирига айланиши мумкин. Соҳа вакиллари сунъий ҳисоб-китобларига кўра, рақамли телевидениега ўттиш учун қирқ триллион иена (38 миллиард АҚШ долларига тенг) маблағ сарф этилади.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жағмаюсининг Тошкент вилояти бўлимидаги жамоалари Ангренлик кекса журналист, меҳнат ва уруш фахрийси, ёзувчилар уюшмаси аъзоси Абдуғаффор ота УБАЙДИЛЛАЕВНИНГ вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Аъзам АЗИМИЙ.

БОЛА — ПОДШО

Бола қалби гўё чинни коса. Қўполлик қилиб, уни синдириб қўймаган. Сўнгги қадоқ барибир қадоқлигича қолади.

Боланинг дили бир аччиқ сўз билан ранжиydi, бир сўз билан кўтарилди. Буни асло унутманг.

Болаларнинг ўта итоткор бўлишини талаб қилаверманг. Уларни маъсуслик дардига мубтало қилиб қўясиз.

Боланинг ҳақиқий исмини айтиб чақирманг, унга «хон», «жон», «ой», «бой» қўшимчасини қўшиб йўқланг. Сизга нисбатан унинг қалбида бўлган муҳаббат худди шундан бошланади.

Тарбия уруғининг қобиғи ниҳоятда қаттиқ. Уни ундириш ва ўстириш учун узок вақт, чидам ва бардош талаб қилинади. Бироқ, сиз умидсизланманг.

Фарзандингиз ўзлаштиришдан фавқулодда чекиндинми, унга ҳаргис танбех берманг, балки яхши гап билан тўғри йўл кўрсатинг. Эртасиёқ самарасини кўрасиз.

Икки норасида ўртасига ниқоф тушганини сездингизми, дарҳол бошқа ишни йиғиштиринг. Адоватини сўндириб, ўрталарига мурося ўратинг.

Акс ҳолда бирор кўнгилсизлик келиб чиқши табиий.

Қай бир ўғил болада қизларга хос дилбарлик, қай бир қизда ўғилларга хос дадиллик фазилати мавжуд бўлса, келажак умидли ўғил-қизлар улғаяётганидан фахрланинг.

ҲАСАНБҲҲОЙ тайёрлади.

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ

Тюменнинг Толмачово аэропортидан кўтарилган самолёт Тошкентга қараб йўл олганида, створдесса келиб, ёнимдаги ўриндиқда ўтирган бир одамдан ўрнини алмаштиришни илтимос қилди. Йўловчи рози бўлиб, ўриндан турди-да, унга эргашди. Бир-икки дақиқадан кейин эса, бўшаб қолган ёнимдаги ўриндиққа қадди-бўйи келишган, соқол қўйган бир ўзбек йигити келиб, салом берди.

— Домла, мени танимадингиз-а? — деди у жилмайиб. Унга тикилиб, ўзининг кечаги талабамни зўрға танидим.

— Алишер Султонов! — дедим мен йигитни эслаб. — «Разведка техникаси» гуруҳининг аълочиси!

Алишер кўйиб юборди-да, секингина «Энг тўполончиси ҳам» деб қўшиб қўйди.

— Бу томонларга қандай шамоллар олиб келди? — Муаммолар, домла, иқтисод муаммолари, — деди Алишер маънос жилмайиб. — Илмий ишмини ташлаб, шартнома бўйича, Тюменда икки йил ишлаб, юртга қайтаётиман.

— Уйландингми? — Шунинг ҳаракатидаман, домла! «Бирорта севганинг борми?» деган саволимга Алишер очилиб, севган қизини мактаб кетди. Сўйгани Лена деган рус қизи бўлиб, онаси ўлган, бир синглиси ва бувиси билан ўғай отанинг қўлида қолган. Ота бошқача уйланган, оилани боқиб уш тўрт ёшли Ленанинг елкасига тушган. Норасида қиз почтабонлик, ўз мактабидан фаррошлик қилиб, онасини боққан. Уқшини ташламаган, ёмон йўлга юрмаган. Алишер Тюменга кетадиган йили эса мактабни тугатиб, чет тиллари институтига ўқишга кирган...

Ешим бир ерга бориб қолганлиги тўғрйли ёшларинг «оқ-воҳ» қилиб, сўйганларини қўққа кўтариб гапирдилар мени тезда чарчатиб қўядиган бўлганди. Шунинг учун, Алишер қилган сукутдан фойдаланиб, кўзимни юмдим...

Тошкент аэропорти биносидан ташқарига чиққаннимизда, Алишер қўлидаги юкчини ёнимга қўйиб, қўлч өзганча, қадамни тезлатди. Қарши томондан оқ қўйлак кийиб олган но-зиккина бир қиз югуриб келди-да, унинг бўйиндан кўчди. Бироз муддатдан сўнг Алишер қизни кўлтиқлаб, ёнимга келди. Мен қизга қараб, унинг ҳусни олдига озгим очилиб қолди. Жуда дид билан тикилган оппоқ қўйлак қизнинг санамдек қаддини кўз-қўз қиларди. Фақат қўзларигина унинг рус миллатиданлигини эслатарди. Алишер бизни таништирдиган, қиз болалардек самимий жилмайиб, «Мен Ленаман» деди-да, бир тиззасини сал букиб, менга қўлини чўздди. Унинг

нозик бармоқларини қафтимга олиб, номини айтдим. Шунда Ленанинг бармоқлари бунчалик майин, ёзининг иссигича қарамай, нега бунчалик салқинлиги фикримга бир қўниб ўтди. Ленанинг табиятан гўзал юзига қараб, Алишернинг қўйиб-пишганига арзғинлик қиз эканига амин бўлдим.

Ешларнинг қувончлари чексиз эди. Утган-кетганлар уларни кўриб, завқланиб, жилмайишарди. Хайрлашиб, кетишга шайланганимда, Алишер қўймай, бир нафас ўтиришга тақлиф қилди. Бостирма олдидаги кафелардан бирига кирдик. Кафе мўъжазгина бўлиб, икки хўрандадан ташқари ҳеч ким йўқ эди. Бизни

— Ҳечқиси йўқ! — Лена хотиржамлик билан Алишернинг қўлини этадиган четлатиб, ўриндан турди. — Бирор холироқ ер бўлса, қовиб олардим...

Официант қиз уни хожатхонага бошлади. Лена кетатириб, маънос жилмайганча, шохчи рўмолини, Алишернинг елкасига илтиб кетди.

— Қўполлигим курсин, таъбини тирриқ қилдим! — деди Алишер қуониб. — Менга ёққан қўйлагини кийиб, оймлар ҳада қилган рўмолни бўйнига боғлаб чиққан экан. Палакати қаранг...

Лена анча ҳаяллан қолди. Ярим соатдан кўра қизнинг кўзида ҳаётнинг ҳақиқати кўриб қолгандай эди.

ЙЎҚОЛГАН ЖАСАД

кўрган хизматчи қизнинг чеҳраси очилиб, тўрға ўтказди-да, бурортма қабул қилди. Алишер, тузуқроқ ўтиришни истади шекилли, шампан виноси ва учта табақа буюрди. Буюртмалар келгунча мен зимдан ёшларга назар ташлаб ўтирдим. Улар бир-бириндан қўзларини узишолмас, бир-бирини қаттиқ соғинганликлари, айниқса, Ленанинг қўздан шундайгина кўриниб турарди. У оппоқ бўйниги қиройили қилиб боғланган шохчи рўмолининг учини уйанганча, Алишерга бир нарсга дедимки-ю, айтолмай, қиналаётгандек эди...

Қадаш кўтариб тилак айтдим: — Сизлар бир-бирингиз учун яратилганга ўхшайсизлар. Доимо бирга бўлишингиз учун! Ленанинг кўзи негадир ёшларди. Бир хўрсиниб қўйди-да, мусалласдан икки-уч хўрлади. Унинг мовий қўзларига қандайдир дард яширилгандек, қалбида эса, одамлардан сир сақланган алам чўққандек эди. Алишер жилмайиб, соф ўзбек тилида уч-тўрт оғиз гапирганини эшитиб, Ленага меҳрим янада ошди.

Хизматчи табақаларни олиб келгач, Алишер эпчиллик қилиб, Ленанинг лиқопчасидаги жұжани кеса бошлади. Шунда, беҳосдан томат идиши ағдарилди, Ленанинг тиззасига тўқилди. Капалаги учиб кетган Алишер, Ленанинг қўлидан рўмолчасини олиб, томатни артмоқчи бўлди.

— Ҳечқиси йўқ! — Лена хотиржамлик билан Алишернинг қўлини этадиган четлатиб, ўриндан турди. — Бирор холироқ ер бўлса, қовиб олардим...

Официант қиз уни хожатхонага бошлади. Лена кетатириб, маънос жилмайганча, шохчи рўмолини, Алишернинг елкасига илтиб кетди.

— Қўполлигим курсин, таъбини тирриқ қилдим! — деди Алишер қуониб. — Менга ёққан қўйлагини кийиб, оймлар ҳада қилган рўмолни бўйнига боғлаб чиққан экан. Палакати қаранг...

Лена анча ҳаяллан қолди. Ярим соатдан кўра қизнинг кўзида ҳаётнинг ҳақиқати кўриб қолгандай эди.

— Ҳечқиси йўқ! — Лена хотиржамлик билан Алишернинг қўлини этадиган четлатиб, ўриндан турди. — Бирор холироқ ер бўлса, қовиб олардим...

Официант қиз уни хожатхонага бошлади. Лена кетатириб, маънос жилмайганча, шохчи рўмолини, Алишернинг елкасига илтиб кетди.

— Қўполлигим курсин, таъбини тирриқ қилдим! — деди Алишер қуониб. — Менга ёққан қўйлагини кийиб, оймлар ҳада қилган рўмолни бўйнига боғлаб чиққан экан. Палакати қаранг...

Лена анча ҳаяллан қолди. Ярим соатдан кўра қизнинг кўзида ҳаётнинг ҳақиқати кўриб қолгандай эди.

— Ҳечқиси йўқ! — Лена хотиржамлик билан Алишернинг қўлини этадиган четлатиб, ўриндан турди. — Бирор холироқ ер бўлса, қовиб олардим...

Официант қиз уни хожатхонага бошлади. Лена кетатириб, маънос жилмайганча, шохчи рўмолини, Алишернинг елкасига илтиб кетди.

— Қўполлигим курсин, таъбини тирриқ қилдим! — деди Алишер қуониб. — Менга ёққан қўйлагини кийиб, оймлар ҳада қилган рўмолни бўйнига боғлаб чиққан экан. Палакати қаранг...

Лена анча ҳаяллан қолди. Ярим соатдан кўра қизнинг кўзида ҳаётнинг ҳақиқати кўриб қолгандай эди.

— Ҳечқиси йўқ! — Лена хотиржамлик билан Алишернинг қўлини этадиган четлатиб, ўриндан турди. — Бирор холироқ ер бўлса, қовиб олардим...

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Шлефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар
бўлими: 133-40-48
Эълолар: 133-70-10,
136-53-54

Манзилими:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридagi
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.